Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2014 йил
**31 май**
ШАНБА
**№ 44** (12680)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

«Баркамол авлод – 2014»

## СПОРТ, ДЎСТЛИК ВА БИРДАМЛИК БАЙРАМИ

***Мамлакатимизда мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўтказиб келинаётган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт мусобақалари машъалаларини Паркентдаги "Физика – Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг материалшунослик институтида аланга олдириш анъанага айланган.***



"Баркамол авлод – 2014" ўйинларининг энг ҳаяжонли ва орзиқиб кутилган дақиқалари – спорт байрами машъаласининг аланга олдирилиши, десак муболаға бўлмайди. Бу сафар "Кичик олимпиада"нинг машъала ёқиш маросимига ҳам пухта тайёргарлик кўрилди. Анъанага кўра, Паркент туманидаги "Физика – Қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, Республика техник ва амалий спорт турлари маркази, тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, талаба-ёшлар, спортчилар ҳамда санъаткорлар иштирок этди.

...Майдон байрамона руҳда безатилган. Ватанимиз байроғи, Ўзбекистон спортчиларининг буюк ғалабаларига бағишланган паннолар, дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик, спорт ва ватанпарварликни улуғловчи шиорлар осилган. Давлатимиз мадҳияси янграйди. Қуёш нурларидан аланга олган "Баркамол авлод – 2014" машъаласини футбол бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ўтказилган Жаҳон чемпионатлари иштирокчиси, "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони соҳиби Аббосбек Махситалиев, стол тенниси бўйича Жаҳон чемпионати совриндори, халқаро турнирлар ғолиби Нодира Бурхонхўжаева майдонга олиб киради. Машъалани улардан бокс бўйича Осиё чемпиони, Паркент транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Шаҳзод Аширбоев олиб, Наманган вилояти сари йўлга тушди.



(Давоми 2-бетда).

Кеча пойтахтдаги "Ўзкўргазмасавдо" мажмуида вилоят ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўз ишини бошлади.

## ҚЎЛНИ БЕРИНГ, ҲАМКОРЛИК ҚИЛАМИЗ!

Мустақиллик йилларида юртимиз иқтисодиётининг муҳим таянчи ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиш, ишлаб чиқариш тармоқларини жадал шакллантириш, саноат тармоқларини модернизация қилиш, мамлакатимизда барча учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда.

Ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ҳам ана шу йўналишдаги саъй-ҳаракатларнинг муҳим бир бўлагидир.

– Стендларда импорт қилинаётган, шунингдек, маҳаллий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни технологик модернизация қилиш ҳамда кооперация алоқаларини ривожлантириш асосида ишлаб чиқарилаётган маҳаллий маҳсулотлар намойиш қилинмоқда, – деди вилоят ҳокими ўринбосари Анвар Абдуқодиров. – Ярмарка давомида ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги алоқалар янада кенгаяди. Ишлаб чиқариш, техник йўналишидаги бутловчи ҳамда тайёр буюмларни етказиб бериш ёки харид қилиш бўйича шартномалар тузилади. Боз устига, вилоятимиз истеъмолчилари буюмлар, қайта ишланган хом ашё ва материалларни қўшимча тендер савдоларисиз тўғридан-тўғри шартнома асосида сотиб олиш мумкин бўлади.

– Вилоятимиз саноатчилари ва тадбиркорлари ишлаб чиқараётган турли-туман маҳсулотларни кўриб, кўзингиз қувнайди, – деди вилоят иқтисодиёт бошқармаси саноат бўлими бошлиғи Равшан Мамасолиев. – Сифати ва қадоқланиши бўйича хорижникидан қолишмайди. Нархларининг ҳамёнбоплигини айтмайсизми?! Ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси давомида 1,5 мингдан зиёд тадбиркор иштирокида 22,8 миллиард сўмлик 420 дан ортиқ шартномалар тузилиши кутилмоқда. Иштирокчилар ва бу ерга ташриф буюраётганлар сони эътиборга олинадиган бўлса, бу рақамлар яна кўпайиши шубҳасиз.

Тадбиркорларимиз маҳсулотларини замонавий технологияларни жалб этган ҳолда нафақат ички бозорга, балки хорижга экспорт қилишнинг уддасидан чиқиша-ётгани таҳсинга сазовор. Улар хорижий ҳамкорлар билан ишбилармонлик алоқаларини янада кенгайтириш учун мамлакатимиз ва чет элларда ўтказилаётган халқаро кўргазмалар ҳамда тендерларда қатнашиб, ўрганган тажрибаларини фаолиятларида татбиқ этишмоқда. Маҳсулот экспорт қилишда ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, электрон савдо майдончаларига маҳсулотларни жойлаштириш билан уларни сотиш ва реклама қилишлари бугунги кун тадбиркорларининг бизнесни юритиш савияси ошганлигидан далолат бермоқда.

(Давоми 2-бетда).

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

## САЙИЛНИНГ СОВҒАСИ БОР

**"Тошкентленд" болалар истироҳат боғида "Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!" ҳафталиги доирасида хайрия тадбири ўтказилди.**

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, "Sen yolg'iz emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Тошкент шаҳри ва вилояти ҳокимликлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга Тошкент, Сирдарё вилоятлари ва пойтахтимиздаги меҳрибонлик уйлари, SOS – болалар маҳаллалари тарбияланувчилари, умумтаълим мактаблари фаол ўқувчилари, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида ҳалок бўлган хизматчиларнинг фарзандлари таклиф этилди.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди раиси С. Иномова, Ўзбекистон халқ таълими вазири ўринбосари А. Холбеков, "Sen yolg'iz emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ўқув маркази директори М. Охунова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ота-она меҳридан бебаҳра болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳрибонлик уйларидаги маънавий-ахлоқий, психологик-педагогик муҳитни янада яхшилаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар алоҳида эҳтиёжли болаларнинг жамиятга фаол интеграциялашувида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Бу борада "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, "Sen yolg'iz emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси каби жамоат ташкилотлари томонидан қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ҳамкорликда ўтказилаётган касб ярмаркалари, ихтисослаштирилган тиббий кўриклар, ижодий фестиваллар болаларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини аниқлаш, саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида ушбу йўналишдаги эзгу ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

– Ёшларга кўрсатилаётган юксак меҳр-эътибор бизни аъло ўқиш, намунали хулқ, фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатишга ундаётир, – дейди Гулистон "Болалар шаҳарчаси" тарбияланувчиси Диёра Умрзоқова. – Бизга берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, Ватанимизнинг янада обод бўлишига муносиб ҳисса қўшишга, улкан ютуқларга эришишга ҳаракат қиламан.

Хайрия тадбири давомида боғдаги аттракционлар болаларнинг ихтиёрида бўлди. Кичкинтойларга совғалар топширилди.

**Барно МЕЛИҚУЛОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаши, ўз қобилият ва иқтидорини намоён этиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу жараёнда ўғил-қизларимизнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш, уларни халқимизнинг миллий анъана ва қадриятларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий оламини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

## МАНФААТЛАРИ ДОИМИЙ МУҲОФАЗАДА

Вояга етмаган бола ҳали оқ-қорани яхши ажрата олмайди. Бундай пайтда уни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, тарбиясига эътиборсизлик ҳунук оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун уларнинг яшаш шароити, таълим-тарбия олиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши билан боғлиқ масалалар жиддий эътибор талаб қилади. 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонун бу борада муҳим аҳамият касб этаётир. Қонун ижроси доирасида болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик сезиларли даражада камайди.

(Давоми 2-бетда).

2014 йил учун
ОБУНА
давом этмоқда.
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
газетаси обуна индекси – 205.

Яна тўловлар ҳақида

## ПАЙСАЛГА СОЛИШДАН НАФ ЙЎҚ

**Хонадонимизни ёритиб ёки иситиб турган, йил бўйи фойдаланадиган электр энергияси, табиий газ, умуман, коммунал хизматлар учун тўловни амалга ошириш борасида ҳаммани маданиятли истеъмолчи дея оламизми?! Нега бу ресурслар ҳисобкитобида катта қарздорлик юзага келаяпти?**

"Тошкент электр тармоқлари"очиқ акциядорлик жамияти ва унинг тасарруфидаги туман ва шаҳар электр таъминоти корхоналари томонидан истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб бериш ва бунинг учун маблағларни ундиришда муайян ишлар қилинаяпти. Лекин, баъзи ҳудудларда, жумладан Ангрен шаҳрида тўлов қобилиятига эга, электр энергиясидан фойдаланиб, даромад кўраётган айрим корхоналар раҳбарлари бир неча бор огоҳлантиришларга қарамай, тўловларни белгиланган муддатда амалга оширмаётганлиги ачинарлидир.

Ангрен шаҳар 2/2 даҳасида жойлашган "Элба дреам" масъулияти чекланган жамиятига қарашли савдо дўконининг электр энергияси учун муддати ўтган дебитор қарздорлиги 1 миллион 484 минг сўмга етган. "Собит кафолат инвест" хусусий корхонасига қарашли дўкон маъмурияти 1 миллион 652 минг сўм қарзни тўлашни пайсалга солиб юришди.

– Истеъмолчиларимиз коммунал хизматлар учун тўловлар таъминот сифатини модернизация қилиш, соҳада лойиҳаларни амалга ошириш, зарурий ускуна ва коммуникацияларни таъмирлаш, реконструкция қилиш, ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш учун йўналтирилаётганини билиши ва ҳеч қачон унутмасликлари лозим, – дейди Ангрен шаҳар электр таъминоти корхонаси раҳбари Фаррух Турғунов. – Қарздорлик коммунал хизматлар сифатига, пировард натижада эса, тўловларни ўз вақтида тўлайдиган интизомли истеъмолчиларнинг маиший шароитига таъсир кўрсатади.

Гап қарздорлик хусусида экан, бу борада ўзига хос "рекорд" қайд қилган истеъмолчилар ҳам етарлича. Деҳқон бозоридаги "Абдулазиз савдо инвест" хусусий корхонаси дўконининг қарзи 532 минг, Дукент шаҳарчасидаги "Омад" корхонасига қарашли ишлаб чиқариш цехининг қарзи эса 623 минг сўмга етиб қолди. Бу кетишда уларнинг қарзи миллионлардан ортиши ҳеч гап эмас.

"Берил" хусусий фирмасига қарашли автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчасининг муддати ўтган қарзи 292 минг сўм, якка тартибдаги тадбиркор "Сафарова Дилрабо"га қарашли дўконники эса 210 минг сўм эканлиги ўз исботини топди. Энг қизиғи, санаб ўтилган бу истеъмолчиларнинг моддий имконияти камомадини қоплашга етарли. Бировдан кам жойи йўқ. Бироқ, қайта-қайта огоҳлантиришлар уларга заррача кор қилмаяпти. Уларнинг бундай бепарволигини қандай тушуниш мумкин?!

Қарзларини тўлаб қўйишни хаёлларига келтирмаётган тартиббузар истеъмолчиларга шуни эслатиб қўйишни истардикки, давлатга етказилган моддий зарар ундирилмасдан қолмайди. Шундай экан, электр энергиясидан қарздормисиз, ҳақини тўлаб қўйинг. Токи иш судгача бормасин.

**Хуршида МЎМИНОВА.**

2014 йил – Соғлом бола йили

## «ЎЗ БАНДЛИГИНГНИ ЎЗИНГ ТАЪМИНЛА»

**Чирчиқ шаҳридаги саноат ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида "Соғлом бола йили" Давлат дастури, ёшларга оид давлат сиёсати, аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларига доир Президент қарорлари ижроси бўйича семинар ташкил этилди.**



Вилоят, шаҳар ҳокимликлари, хотин-қизлар қўмиталари ҳамкорлигида, маънавият-тарғибот маркази, шаҳардаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчи ва ўқувчилари иштирокида ўтган тадбирда битирувчиларни, айниқса қизларни иш билан таъминлаш масаласи кенг муҳокама қилинди. Шаҳардаги ҳунарманд, тадбиркорларнинг тажрибаси, фикрлари, битирувчиларнинг бизнес-лойиҳалари ўрганилди.

Асосли фикр-мулоҳазаларга эга, пишиқ-пухта тузилган бизнес-лойиҳа эгаларига (5 нафар) кредит ажратилиши ҳақида сўз борди. Кредит масаласида муаммо бўлмаслиги, лекин, ёшлар, битирувчиларнинг бу борадаги қизиқишлари, ғайрат-шижоатини кучайтириш чора-тадбирларини кўриш кераклиги ҳақида мутасадди ташкилотлар вакилларига топшириқлар берилди. Бандлик масаласида корхона, ташкилот, нодавлат нотижорат ташкилотлар раҳбарларининг, ота-оналар ва битирувчиларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

– Ҳурматли битирувчилар, бугун сиз мустақил, катта ҳаёт остонасида турибсиз, – деди семинарда қатнашган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова. – Сизлар учун барча имкониятлар яратиб қўйилган. Эндиги вазифангиз улардан унумли фойдаланиб, ўз бандлигингизни, тадбиркорлигингизни ўзингиз таъминлашингиз керак. Ахир, ишнинг унуми, баракаси ўзингизнинг ҳаракатингизга боғлиқ. Тадбиркор бўламан, дейсизу, аниқ мақсадга йўналтирилган бизнес-лойиҳаларингиз ҳали мукаммал эмас. Ахир кредит беришдан аввал, сизларга бўлган ишончни мустаҳкамловчи ҳужжат керак. Бу борада сизларга лаёқат, ғайрат, шижоат, қатъий ирода зарур...

Қизғин баҳс-мунозара тарзида ўтган амалий семинар тез орада натижасини кўрсатишига ишонч билдирилди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Депутат ва ҳаёт

# ЖАМИЯТНИНГ АСЛ БОЙЛИГИ



**Бугун жамиятда юз бераётган ҳар қандай янгиланиш ва ўзгаришлар халқимизнинг фаровон ҳаётига, келажак авлодларимиз, Ватан тараққиёти учун амалга оширилмоқда. Бу жараёнда депутатларнинг ўрни қай даражада? Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, "Миллий тикланиш" демократик партияси депутатлик гуруҳи аъзоси, вилоят Қизил Ярим ой жамияти раҳбари Насиба Қорабоева билан шу ҳақда суҳбатлашдик.**

– 53-Эски Тошкент сайлов округи депутати сифатида зиммамдаги вазифаларни бажаришга ҳаракат қиляпман. Биринчи навбатда ёшлар келажаги ҳақида ўйлашимиз керак. Чиноз саноат коллежининг ўқув жараёнларини доимий равишда ўрганиб, давоматнинг назоратини маҳалла маслаҳатчилари, посбонлари билан биргаликда олиб бораяпмиз. Битирувчиларнинг ишга жойлашиши билан боғлиқ жараён алоҳида назоратда.

Доимий равишда ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп болали оилалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган инсонларга ёрдам беришга ҳаракат қилиб келаяпмиз. Олмалиқда ёнғиндан жабрланган ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга 626 минг 700 сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Юқори Чирчиқ тумани Оқовул ва Наврўз қишлоқларида яшовчи кам таъминланган оила вакилларига 366 минг сўмлик моддий кўмак берилди. Туманда истиқомат қилдиган ёлғиз қариялар, эҳтиёжманд ва кўмакка муҳтож 280 кишини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида жамият томонидан 180 миллион сўмлик кийим-кечаклар тарқатилди. Оҳангарон туманида жойлашган "Саховат" ва "Мурувват" уйларига 1 миллион 603 минг сўмлик кундалик эҳтиёж буюмлари топширилди. Бундан ташқари, вилоят сил касалликлари сиҳатгоҳи ва Зангиота туманидаги 1-Болалар сил касаллиги шифохонасига 56 минг сўмлик ётоқ чойшаблари жамланмаси берилди.

Кейинги йилларда вилоятда бўлаётган тўй-тадбирларда дабдабабозликка берилиш кузатилаётган эди. Мана бир йилдирки, тўйларни ихчамлаштириб, камхарж тарзда ўтказилишига эришаяпмиз.

Президентимиз: "Ҳар куни, ҳар соатда фидойи бўлсин, ўзини томчи ва томчи, заррама зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш керак" деган сўзларини биз депутатлар доимо ёдда тутиб, амал қилишимиз керак. Халқ депутатларига катта ишонч билдирган. Шу ишончни оқлаш, элнинг хизматида бўлиш ҳар биримизга насиб этсин.

Анжуман

**Пойтахтимизда Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ва Европа Иттифоқининг "Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжли болалар учун инклюзив таълим" қўшма лойиҳасини ҳаётга татбиқ этишга бағишланган конференция бўлиб ўтди.**

**Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар вакиллари, халқаро ташкилотлар экспертлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ходимлари ва алоҳида эҳтиёжли болаларнинг ота-оналари иштирок этди.**

# ТЕЖАМКОРЛИК ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Миллий матбуот марказида "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси томонидан фойдаланилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб тартибини мустаҳкамлашга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Электр энергияси – иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим ресурслардан биридир. Энергияни ишлатиш ҳажмининг йилдан-йилга ортиб бораётгани ундан тежамкорлик билан ва оқилона фойдаланиш заруратини юзага келтирмоқда.

"Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари М. Ҳакимов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида энергетика тармоғини ривожлантириш, мавжуд қувватларни модернизация қилиш, қайта тикланадиган энергия манбалари ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш, шунингдек, электр энергияси етказиб беришдаги йўқотишларни камайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Ушбу йўналишларда қатор инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Аҳоли турмуш даражасининг ўсиб бораётгани боис энергиядан фойдаланиш ҳажми ҳам ошиб бормоқда. Чунончи, 1990 йилда электр энергиясидан фойдаланиш умумий ҳажмида аҳоли улуши 10,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 24,4 фоизга етди.

Матбуот анжуманида коммунал хизматлар учун тўлов тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни кенгайтириш хусусида ҳам сўз юритилди. Масалан, бугунги кунда электр энергияси учун тўловларни онлайн режимида амалга ошириш, фойдаланилган электр энергиясини ҳисобга олиш приборларидаги кўрсаткични СМС-хабар орқали компьютер базасига киритиш имконияти пайдо бўлди. Бунинг самарасида ҳисоблаш приборлари кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш ва рўйхатга олиш яхшиланди, тўловни амалга оширганлик ҳақидаги маълумот эса тўғридан-тўғри фойдаланувчининг шахсий ҳисоб рақамига тушмоқда. Айни пайтда пойтахтимизда 70 фоиздан ортиқ тўловлар айнан шундай усулда амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, тадбирда замонавий диодли ёруғлик лампаларининг намуналари намойиш этилди. Ушбу лампалар чўғланма лампаларга нисбатан 20 марта кам энергия сарфлайди, экологик хавфсизлиги ва узоқ муддатга чидамлилиги билан ажралиб туради. Бугунги кунда ушбу лампалар мамлакатимиздаги учта корхонада ишлаб чиқарилмоқда.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди.

**Роман БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири.**

# ВАЗИФАЛАР, ТАВСИЯЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи ҳамда "Қишлоқ ва сув хўжалиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссияси"нинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**



Унда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, маблағлардан самарали фойдаланиш, мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларни ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва рақобатбардошлигини ошириш борасида қилинган ишлар юзасидан вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи М. Мирмаҳмудов ва вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи Х. Умурқулов, вилоят мелиорация ва ирригация бошқармаси раҳбари Д. Норбоев ҳисоботлари тингланди.

Йиғилиш сўнгида 2014 йил лойиҳалари бўйича таъмирлаш ва тиклаш, реконструкция ва қуриш ишларини амалга ошириш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан Оққўрғон туманида "Ёшларни миллий ўзликни англаш, тарихий хотирага дахлдорлик руҳида тарбиялаш, мафкуравий иммунитетни шакллантиришда Ўзбекистон ХДПнинг вазифалари" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Халқ депутатлари вилоят, туман Кенгашлари депутатлари, хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман вакиллари иштирок этишди.**

# ЭНГ УЛУҒ МАҚСАД

Йиғилишда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)ги Қонуни ҳамда "Соғлом бола йили" Давлат дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг вазифалари", "Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда она ва бола соғлигини сақлаш, соғлом авлодни шакллантириш бўйича белгиланган устувор вазифаларни бажаришда депутатлик назоратини амалга ошириш ҳақида", "Халқимизнинг тинчлиги ва омонлигини асраш – энг улуғ мақсаддир!" мавзуларида маърузалар тингланди.

Тадбир сўнгида ёшларни миллий ўзликни англаш, тарихий хотирага дахлдорлик руҳида тарбиялаш, мафкуравий иммунитетни шакллантириш юзасидан қилиниши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

**Наргис ҲАСАНОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

Эгрилик ҳамиша панд беради

# КЎЗЁШЛАРИ СОХТА ЭМАСДИ

**Мамлакатимизда тадбиркорлик билан шуғулланаман, деган фуқаролар учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Ишбилармонлик қобилияти бўлган одамлар ҳалол меҳнат қилиб, касбкоридан барака топмоқда.**

Кридет олиб, ишлаб чиқариш жараёнларини кенгайтираман деганларга барча банклар, туман ҳокимликлари, адлия бошқармаларининг мутахассислари яқиндан ёрдам бериб, тадбиркорлик субъектларини қисқа муддатларда рўйхатдан ўтказиб, бизнес режалари асосида зарур маблағларни ажратилишига, пировард натижада керакли жиҳозларни сотиб олишларига беғараз ёрдам беришмоқда. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда қўшимча иш ўринларини барпо этиш, аҳоли учун зарур истеъмол молларини ишлаб чиқариш орқали халқ фаровонлигини ошириш мақсадида яратилган ишбилармонлик муҳитининг самараларидир.

Аммо, орамизда шундай қулай имкониятлардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишни мўлжаллаган кимсалар ҳам йўқ эмаслиги ачинарли ҳолдир. Яқинда пойтахтимизнинг Миробод туманда якунланган очиқ суд мажлисида бир гуруҳ қаллоб "тадбиркор"лар устидан ҳукм чиқарилди. Очиғини айтганда, бу жиноий гуруҳ томонидан йиллар давомида амалга оширилган қаллобликларни аниқлаш учун соҳа ходимлари ҳам йиллаб вақт сарфлаб, анча тер тўкишди.

Маълумки, мамлакатимиз пойтахти ва вилоятларда кўп қаватли тураржой бинолари анчагина. Табиийки, бу уйларда яшовчилар лифт хизматидан фойдаланадилар. Мабодо ўша лифтлардан бирортаси ишламай қолса, қанчадан қанча одамлар безовта, сарсон бўлади, қариялар тоза ҳавога чиқолмай қийналадилар. Демак, лифтсозлик ишнинг кўзини билганга тайёр тадбиркорлик соҳаси. Буни қарангки, ана шундай ноёб хазина 1975 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, маълумоти ўрта, оилали, муқаддам турли қилмишлари учун бир неча марта судланган фуқаро Шоэркин Абдуҳолиқов, 1983 йил Тошкент шаҳрида туғилган, маълумоти ўрта, оилали, муқаддам бир неча марта судланган фуқаро Бахтиёр Икромхўжаев (исм-шарифлар ўзгартирилган)нинг қўлига тушади.

Улар ўзлари раҳбар бўлган масъулияти чекланган жамиятлар тузиб, бошқаларга ўхшаб ҳалол меҳнат қилиш, касб-корларидан барака топиш ўрнига эгри йўлдан кетишди. Шериклар эртаклардаги каби бир юмалаб бойвачча бўлиб қолиш мақсадида ўзига ўхшаган ҳамтовоқлар орттириб, бунинг устига лицензиясиз фаолият кўрсатиб, пул маблағларини сохта ҳужжатлар орқали нақдлаштириб, ваколатларини суиистеъмол қиладилар. Оқибатда, текин пишлоқ фақат қармоқда бўлишини кеч англашади.

Миробод туман судининг қилни қирқ ёрадиган мутахассислари узоқ муддат машаққат чексалар-да, бор ҳақиқатни юзага чиқаришга муваффақ бўлишди. Суд ўз ажримини чиқарди. Ҳукм ўқилди. Айбдорлар қилмишларига яраша тегишли жазоларини олишди. Ўмарганларини ўн, балки юз баробар қилиб, қайтаришди. Бир неча йилга хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, қўшма корхона очиш, раҳбарлик қилиш ва ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиндилар. Улар судда, жамоатчилик олдида қилган ишларидан пушаймон эканликларини айтиб, кўзёш тўкишди. Уларнинг бу кўзёшлари сохта эмас эди...

**Э. ХЎЖАМОВ,**
**Миробод туман прокуратураси терговчиси.**

Қарор ва ижро

# ҚОНУНЧИЛИККА РИОЯ ЭТИЛИШИ – НАЗОРАТ ОСТИДА

**Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда қонун устуворлиги, ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунийликни таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ишончли механизмига айлантириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасини янада демократлаштириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигига эришишда кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, суд тизими ижро ҳокимияти органларининг назорати ва таъсиридан тўла чиқарилди. "Хабеас корпус" институти ташкил этилиб, дастлабки тергов ҳамда шахсни қамоқда сақлаш муддатлари қисқартирилди.**

Шунингдек, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишда адлия органларига алоҳида эътибор қаратилиб, республика Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди ва Адлия вазирлиги ҳузурида Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси ташкил этилди.

Белгиланган муҳим вазифаларни мазкур бошқарманинг вилоят ҳудудий бўлими амалга ошириб келмоқда.

Ҳудудий бўлимда фуқароларнинг давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларидан норозилик билдирган ариза ва шикоятлари қонуний ўрганилиб, бузилган ҳуқуқлари тикланмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи чораги давомида ушбу бўлим 23 та шикоят хатини ўрганиб чиқди. Шундан 8 таси қаноатлантирилган бўлса, ўнтасига ҳуқуқий тушунчалар берилди. Қолган иккита шикоят муаллифларнинг мурожаатига асосан кўрилмади ва учтаси тегишлилигига кўра бошқа идораларга юборилди.

Бундан ташқари, ҳудудий бўлим жорий йилнинг ўтган даврида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида уй-жой коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш, назорат органларининг норматив ҳужжатлари, техник қоида ва нормаларнинг қонунчиликка мувофиқлиги, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасида фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти, вилоят ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаментида шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланишни тартибга солиш юзасидан ўрганиш олиб борди.

Ўтказилган ўрганишлар натижасида, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ҳамда келгусида такрорланмаслиги учун 21 та тақдимнома, 12 та огоҳнома, 3 та кўрсатма ва фуқаролар манфаатларини кўзлаб 33 та даъво аризалари киритди.

Шу билан бирга, амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳуқуқий тартибга солишда аниқланган камчиликларни тўлдириш бўйича таклифлар ишлаб чиқди.

**Мирзоҳид ТОЖИЕВ,**
**Адлия вазирлиги бош бошқармаси вилоят ҳудудий бўлими бошлиғи.**

**Президентимизнинг 2009 йил 23 июндаги "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2011 йил 5 январдаги "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари талаблари асосида фуқароларга биометрик паспорт бериш иши Юқори Чирчиқ туманида ҳам узлуксиз давом этмоқда.**

# ПАСПОРТ БЕРИШ ИШИ УЗЛУКСИЗ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Биометрик паспорт олиш ва алмаштириш жараёни ортиқча кутишларсиз, батартиб ўтишини таъминлаш мақсадида ҳар бир фуқаронинг келадиган куни ҳамда вақти аниқ белгилаб қўйилган. Шунингдек, мурожаат этаётган фахрийлар, кексалар ва ҳомиладор аёллар навбатсиз қабул қилинади.

Ташриф буюрувчи фуқароларга барча қулайликлар яратилган: иситиш-совутиш кондиционери, стол-стул ва бошқа мебель анжомлари, биометрик маълумотларни йиғиш пунктлари жойлашган бинолар атрофида кутиш жойлари, ўриндиқлар, соябонлар ўрнатилган.

Яна шуни эслатиб ўтиш жоизки, 2014 йилнинг 1 июлидан бошлаб чет давлатларга фақат биометрик паспорт билан чиқилади. Амалдаги паспортни биометрик паспортга алмаштириш 2015 йилнинг 31 декабрига қадар давом этади.

**Азамат ОРИФЖОНОВ,**
**Юқори Чирчиқ тумани ИИБнинг паспорт бўлими бошлиғи.**

# ТАДБИРКОРЛАРГА ЯНАДА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги "Статистика, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан, 2012 йил 1 июлдан 12 турдаги, 2013 йил 1 январдан эса 11 турдаги, жами 23 турдаги статистик ҳисоботларнинг даврийлиги белгиланган муддатларга ўзгартирилди.**

Бир-бирини такрорловчи шаклларни бирлаштириш ва уларда тўпланаётган маълумотларни бошқа манбалар орқали қоплаш эвазига 2013 йилнинг 1 январидан 65 турдаги статистик ҳисоботлар бекор қилинган эди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 7 апрелдаги "Инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига асосан, 2014 йил 1 июлдан бошлаб саноатнинг кўп меҳнат талаб қиладиган айрим тармоқлари бўйича: жумладан, қурилиш материаллари, енгил ва озиқ-овқат саноати кичик корхоналаридаги ходимларнинг ўртача йиллик чекланган сони 200 нафарга оширилганлиги ва 2015 йил 1 январдан бошлаб, кичик тадбиркорлик субъектлари ҳам микрофирмалар сингари статистика ҳисоботларини йилда бир маротаба тақдим этишлари белгилаб берилди. Бунда статистика органлари ҳар чоракда тегишли фаолият йўналишлари ва соҳалари бўйича танланма ўрганишлар ўтказиб боради.

Ушбу фармонларнинг асосий мақсади, бозор иқтисодиёти талабларига, халқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқ, бюрократик ғовларни бартараф этиш, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, ҳисобот тизими ва тақдим этиш тартибини тубдан такомиллаштира бориб, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун максимал даражада қулай шарт-шароитларни вужудга келтиришдан иборат.

**Шерали УМИДОВ,**
**вилоят статистика бошқармаси бўлим бошлиғи.**


## ЭЪЛОНЛАР

**"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан, 2013 йил 15 февралдаги № 597-сонли ижро ҳужжатига асосан, Олмалиқ шаҳар, Примқулов кўчаси 26-уй манзили бўйича жойлашган, шлакаблокдан қурилган, қурилиши тугалланмаган: 1. Бошланғич баҳоси – 10 615 385 сўм бўлган литер 0001-Савдо дўкони; 2. Бошланғич баҳоси – 10 615 385 сўм бўлган литер 0002-Савдо дўкони; 3. Бошланғич баҳоси – 10 615 385 сўм бўлган литер 0003-Савдо дўкони; 4. Бошланғич баҳоси – 10 615 385 сўм бўлган литер 0004-Савдо дўкони; 5. Бошланғич баҳоси – 10 615 385 сўм бўлган литер 0005-Савдо дўкони; 6. Бошланғич баҳоси – 10 615 385 сўм бўлган литер 0006-Савдо дўкони; 7. Бошланғич баҳоси – 10 615 385 сўм бўлган литер 0007-Савдо дўкони; 8. Бошланғич баҳоси – 10 615 385 сўм бўлган литер 0010-Савдо дўкони савдога қўйилмоқда. Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан, 2013 йил 15 февралдаги № 597-сонли ижро ҳужжатига асосан, Олмалиқ шаҳар, Примқулов кўчаси 26-уй манзили бўйича жойлашган, шлакоболак ғиштдан қурилган 1-хонадан иборат: 1. Бошланғич баҳоси – 21 536 429 сўм бўлган литер 0008-Савдо дўкони; 2. Бошланғич баҳоси – 21 536 429 сўм бўлган литер 0009-Савдо дўкони; 3. бошланғич баҳоси – 21 536 429 сўм бўлган литер 0013-Савдо дўкони; 4. Бошланғич баҳоси – 21 536 429 сўм бўлган литер 0014-Савдо дўкони; 5. Бошланғич баҳоси – 21 536 429 сўм бўлган литер 0015-Савдо дўкони; 6. Бошланғич баҳоси – 21 536 429 сўм бўлган литер 0016-Савдо дўкони; 7. Бошланғич баҳоси – 21 536 429 сўм бўлган литер 0017-Савдо дўкони; 8. Бошланғич баҳоси – 21 536 429 сўм бўлган литер 0018-Савдо дўкони савдога қўйилмоқда. Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан, 2013 йил 15 февралдаги № 599/600-сонли ижро ҳужжатига асосан, Олмалиқ шаҳар, Примқулов кўчаси 26-уй манзили бўйича жойлашган: 1. Бошланғич баҳоси – 1 965 385 сўм бўлган литер 0028-Савдо дўкони фундаменти; 2. Бошланғич баҳоси – 1 965 385 сўм бўлган литер 0029-Савдо дўкони фундаменти; 3. Бошланғич баҳоси – 1 965 385 сўм бўлган литер 0030-Савдо дўкони фундаменти; 4. Бошланғич баҳоси – 1 965 385 сўм бўлган литер 0031-Савдо дўкони фундаменти савдога қўйилмоқда

Аукцион савдоси 2014 йил 2 июль куни соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филилалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Лицензия: RR-0148.

Олмазор тумани ҳокимияти томонидан "SHOUMAROVLAR" МЧЖнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли "SHOUMAROVLAR" хусусий корхонасига ўзгаришини маълум қилади.

Собир Раҳимов тиббиёт коллежи томонидан 2007 йилда Рахмонбердиева Шохида Комилжановна номига берилган К № 784259 рақамли (рўйхат рақами № 11266) диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"VANUS-BIZNES" МЧЖнинг устав жамғармаси 324 977 674 сўмдан 259 970 912 сўмга камайишини маълум қилади.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 29.07.2011 йилда № 002500-05 реестр рақами билан рўйхатга олинган "FORTUNE ORDER" МЧЖга тегишли бўлган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 04.06.2006 йилда № 002463-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "FERUZ KOMMUNAL LYUKS" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг баённомасига асосан 16.11.2006 йилда № 002693-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "IRGANA KOMMUNAL SERVIS" ХУЖМШни аҳоли томонидан тугатиладиган эксплуатация тўлови ширкатнинг таъмирлаш ишларини қопламаётганлиги, шунинг учун ширкатда баъзи муаммолар пайдо бўлаётганлиги туфайли "IRGANA KOMMUNAL SERVIS" ХУЖМШ қўшиб олинишини маълум қилади.

Чиноз туманидаги 14-мусиқа ва санъат мактаби томонидан 2005 йилда Муҳиддинов Бахтиёр Хусанович номига берилган № 0052542 рақамли фортепиано синфи бўйича берилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "AVALON EXPORT" (ИНН 301713109) МЧЖга тегишли бўлган бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"OMINAYATUL BARAKA" (ИНН 301483450) хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "OMINAYATUL BARAKA" МЧЖга ўзгаришини маълум қилади. "OMINAYATUL BARAKA" хусусий корхонаси "OMINAYATUL BARAKA" МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олган ҳолда унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Мурожаат учун манзил: Юнусобод тумани, Истиқлол кўчаси, 29-уй.

ООО "ALISHER AVTO TRANS" (ИНН 207190206) зарегистрированное в Мирзо Улугбекском районе г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 30 000 000 сум до 3 900 000 сум.

ПУК ООО "RIANNA KOMMUNAL SERVIS" (ИНН 207181264), зарегистрированное решением хокимията Алмазарского района г. Ташкента за реестр № 006546-05 от 15.04.2013 г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Кичик халка йули ва Фаробий кучалари кесишуви, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (приказ № 1 от 28.05.2014 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опуликования объявления.

"ELEKTRO STROY AVTO BIZNES" МЧЖнинг устав жамғармаси 1 344 333 150 сўмдан 844 333 150 сўмга камайишини маълум қилади.

Миробод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 29.12.2006 йилда № 002277-03 реестр рақами билан рўйхатга олинган "FETA-PLYUS" (ИНН 206825205) хусусий корхонасининг мулкчилик шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини ҳамда "FETA-PLYUS" МЧЖ "FETA-PLYUS" хусусий корхонасининг ҳуқуқий ворисига айланишини маълум қилади. Телефон: 188-78-44.



## ТАЪТИЛДА ЗЕРИКМАЙДИГАН БЎЛИШДИ



**Чиноз тумани марказидаги "Эркатой" маданият ва истироҳат боғи 1954 йилда ташкил этилган. Ҳозир 2 гектарли боғ қиёфаси тубдан ўзгартирилаяпти. Турли аттракционлар олиб келинган. Арғимчоқ, резина батут, пуфакчали ҳовуз, катта ва кичик теннис ўйнаш жойи, волейбол майдони, амфитеатр ҳам очилди. Туман маданият ва спорт ишлари бўлими раҳбари Карим Орзиқуловнинг айтишича, "Чиноз универсал трейд" масъулияти чекланган жамияти бу ишларни ўз зиммасига олган.**

– Туман ҳокимлиги бизга боғ ҳудудидан 70 сотих жой ажратди, – деди жамият раҳбари Сардор Муродов. – Мевали ва манзарали дарахтларни яна 500 тага кўпайтирдик. Эккан 3 минг дона гул кўчатларимиз ҳам яшнаб турибди. 30 сотих майдонга чим ётқиздик.

Тадбиркор бу ишларни амалга ошириши учун "Ипотекабанк"дан 30 миллион сўм кредит олди. Ишлар кўлами кенгайса, яна қўшимча маблағ олишни мўлжаллаяпти. Боғ бир вақтнинг ўзида мингга яқин дам олувчиларга хизмат кўрсатиш қувватига эга.

Янгийўл туманидаги Алишер Навоий гулшани маданият ва истироҳат боғида ҳам ишлар авжида. "Xadicha kids" фирмаси раҳбари Равшан Исаев боғни узоқ муддатга ижарага олган. Шу йилнинг ўзида бу ерда 200 туп манзарали дарахт, 3 мингдан зиёд гул кўчатлари экилди. Ҳозир боғда 20 нафар ходим ишлаётган бўлса, шундан 4 нафари коллеж битирувчиси.

2 та фаввора боғга ярашиб турибди. Бу ерда аттракцион ва кўнгилочар ўйинлар талайгина. Тренажёр ва шахмат-шашка тўгараклари болажонлар билан доим гавжум.

– Аҳолининг эҳтиёжидан келиб чиқиб, автодром ва аквабоғ қуришни режалаштираяпмиз, – дейди Равшан Исаев. – Боғимизда кам таъминланган оила фарзандлари ва имконияти чекланган болажонларимиз бепул ҳордиқ чиқаришлари мумкин.

**Феруза ТЎРАЕВА.**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

## БАЙРАМГА МУНОСИБ ТУҲФА

**Вилоят ногиронларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш маркази 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Қибрайдаги "Бунёд" маросимлар уйида хайрия тадбирини ўтказди.**

Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари ҳамда Зангиота, Паркент, Қибрай ва Янгийўл туманларидан келган 250 дан зиёд ногирон болалар учун Ўнқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини, "Кенг макон" мебель фабрикаси ва "Кенг макон плюс" МЧЖ ҳомийлигида байрам дастурхони ёзилди.

Тадбирга Ўзбек миллий академик драма театри санъаткорларининг чиқишлари кўтаринки руҳ бағишлаган бўлса, республика марказий "Алоқа банк"ининг махсус совғалари болажонларнинг чексиз қувончига сабаб бўлди.

Байрам тадбиридан сўнг марказ ташаббуси билан болажонлар учун пойтахтдаги қатор истироҳат ва ҳайвонот боғлари, кинотеатр ҳамда музейларга саёҳат уюштирилди.

**Аваз БЕКОВ.**

ТАБРИК




Bolalik bog'i

## MEHNAT QUROLLARI TILGA KIRGANDA

### MIX

*Shubha bilan qaramang*
*Siz mening bardoshimga.*
*Bolg'ada gursillatib*
*Uravering boshimga.*

*Uylar quring chiroyli,*
*Odatda vaqt ziq bo'lar.*
*Meni to'g'ri ursangiz*
*Ishingiz ham mix bo'lar.*

### BOLG'A

*Dangasa demang meni*
*Men har ishda chaqqonman.*
*Bultur bir qop yong'oqni*
*Bitta o'zim chaqqanman.*

*Bir qop yong'oqqa, e-he,*
*Qancha odam mo'ymoqda.*
*Mix deysizmi, boltavoy*
*O'zi qoqib qo'ymoqda.*

### OMBUR

*Xato qilsa bolg'avoy*
*Xatosin tuzataman.*
*Qiyshiq mixni sug'urib,*
*To'g'rilab uzataman.*

*Ikki jag'im — boyligim,*
*Ish ko'p, ulgurish kerak.*
*Yordamlashib yuboring,*
*Mixni sugurish kerak.*

### ChO'KICH

*Menga qattiq yer bering,*
*Toshloq bo'lsa ham mayli.*
*Ko'p narsaga qodirman*
*Muguzlarim tufayli.*

*Ammo o'ksib ketaman,*
*Xayolga kelmas nelar.*
*Nega qo'limdan faqat*
*Buzish, qo'porish kelar.*

### PANSHAHA

*Xashak o'rsa o'roqvoy,*
*Yig'ib, g'aram qilaman.*
*Bundan tashqari sabzi*
*Qazishniyam bilaman.*

*Uy-ro'zg'orlarga qarashib,*
*Yozu qish ishim "besh"da.*
*Buyog'in so'rasangiz*
*Barmoqlarim ham beshta.*

### BELKURAK

*Sopimdan mahkam ushlab,*
*O'ng oyoqda bosasiz.*
*Yerni bellab, belingiz*
*Chigilin ham yozasiz.*

*Ishdan qochgan nomarddir,*
*Ammo toshlarga urmang.*
*Sindirib qo'yib meni*
*Qo'shnidan so'rab yurmang.*

### KETMON

*Ekinlarni yumshatib,*
*Hattoki loy qoraman.*
*Bekor turmay ovulga*
*Hasharga ham boraman.*

*Men har ishda madadkor,*
*Mehnat qilib tolmangiz.*
*Yuzimga oyoq bosib,*
*Peshonangiz yormangiz.*

### ARRA

*Shoxmi, daraxt yo taxta*
*Shart-shurt arralagayman.*
*Hushyor bo'ling, qo'lingiz*
*Yo'qsa yaralagayman.*

*Usta duradgor bilan*
*Hali ko'pdir ishlarim.*
*Yasalganchun temirdan*
*Og'rimaydi tishlarim.*

### O'ROQ

*Nimaga qiyos etding,*
*O'hshaymanmi so'roqga.*
*Gap-so'zni qo'y, yoz keldi,*
*Qani ketdik o'roqqa.*

*Hozir hashak o'rmasak,*
*Zanglab, chekaman azob.*
*O'shanda savolimga*
*Ne deb qilasan javob?*

**Ne`mat DUSHAYEV.**

Кулганга нима етсин

Мактабга кетаётган икки бола:

– Тушунмадим, нега бир оёғингга калиш, бир оёғингга туфли кийиб олгансан?

– Ахир об-ҳавони эшитмадингми, айрим жойларда ёмғир, айрим жойларда қуёш чиқармиш.

☹ 😐 ☺

Иккита ёш бола гаплашаяпти. Бири иккинчисига деди:

– Кел, зоопарк-зоопарк ўйнаймиз.

Иккинчиси:

– Қандай?

Биринчиси:

– Мен маймун бўламан, сен уйингдан банан олиб келасан.

☹ 😐 ☺

Икки футбол фанати суҳбатлашмоқда:

– "Олмалиқ" ҳар гал "Металлург"га гол урганида менинг кучугим сальто қилади.

– Зўр-ку! Қайси тарафга қараб сальто қилади – ўнггами ёки чапга?

– Бу энди кучугимни қайси тарафга қараб тепишимга боғлиқ...

Рассом хандаси



*– Бугун метрода юриш машқини ўтамиз.*

caricatura.ru

Спорт

## ТЕННИСЧИМИЗ ҒАЛАБАСИ



**Ўзбекистонлик моҳир теннисчи Денис Истомин Франциянинг Париж шаҳрида ўтказилаётган "Катта дубулға" туркумига кирувчи "Ролан Гаррос" турнирини ғалаба билан бошлади.**

Нуфузли мусобақанинг яккаликлар ўртасидаги дастлабки баҳсида тажрибали теннисчимиз украиналик Сергей Стаховскийни 6:3, 6:4, 2:6, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратиб, навбатдаги босқичга йўлланма олди. Энди Денис Истомин германиялик Филипп Кольшрайберга қарши кортга чиқади.

**ЎзА.**

## ЎСМИРЛАР БАҲСИ

Бўстонлиқ тумани Қораманас қишлоғида туман маданият ва спорт ишлари бўлими, спортнинг дзюдо бўйича вилоят федерацияси, Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, халқ таълими бўлими, "Камолот" ЁИҲ ва қишлоқ хўжалиги соҳасида узоқ йиллар меҳнат қилган Ашурбек Абдухолиқовнинг фарзандлари ҳамкорлигида спортнинг дзюдо тури бўйича дўстлик учрашуви ўтказилди.

Беллашувда қўшни Қозоғистоннинг Остона ҳамда Ленгер шаҳридан, шунингдек, вилоятимизнинг Чирчиқ, Ангрен, Чиноз шаҳар ва туманларида ушбу спорт тури билан шуғулланувчи 1998-2000 йилларда туғилган ўсмирлар ўз вазн тоифасида ўзаро баҳс олиб боришди.

Қизғин ва муросасиз кечган баҳслардан сўнг, барча спортчиларга ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
**Тошкент вилояти ҳокимлиги**

Бош муҳаррир
**Убайдулла АБДУШОҲИДОВ**

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**e-mail:** th.tp@mail.ru

**Телефонлар:**
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир **Даврон АҲМЕДОВ**
Навбатчи **Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-1. Адади 15624. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.15.